



# XASR

ЎТМОҒУ-СИЙОСИЙ  
GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган,  
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com  
web sayt: www.21asr.uz

2011 йил 22 декабрь, пайшанба  
**51-(423)-сон**

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



Бу жараёнда мамлакат сиёсий майдонидаги барча партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар зиммасига жуда катта масъулият юклатилмоқда



Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган уйлар сони бугунгача **730** тадан ошди. Яқинда яна **31** та оила янги уйларга кўчиб ўтди



Ватанни ҳимоя қилиш, унинг сарҳадлари дахлсизлигини асраш миллатимиз ўғлонлари учун шарафли бурч саналади

## ҚОНУН ИЖРО МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРАДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АХБОРОТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИ ТАСАБУСИ БИЛАН «АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА МАСЪУЛИЯТИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот хизматлари муҳим ўрин тутаятигига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, кейинги йилларда турли давлат идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотларида ахборот хизматлари ташкил этиш масаласида изчил ишлар олиб борилаётгани натижасида мазкур ташкилотлар фаолиятига оид маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш имконияти кескин ортди.

2 >>>

## ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА БУЛУНҒУР ТУМАНИДА «ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР» МАВЗУИДА ДАВРА СУХБАТИ ЎТҚАЗИБ, УНДА «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТЎҒРИСИДА»-ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ЭЛЕКОРАТ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН МУҲОКАМА КИЛДИЛАР



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Зоиров иштакор этиб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳусусида иштакорчиларга атрафлича маълумот берди.

4 >>>

## БУГУНГИ СОНДА:

### МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК САЙЛОВЧИ ИШОНЧИГА ПУТУР ЕТКАЗАДИ

Айни пайтда сайловчилар талаби билан МТДПнинг **2** нафар, ХДП ва О'zLiDePнинг **1** нафар депутатини масъулиятни унутиб қўйгани учун чақиртириб олиш масаласи кўриб чиқилмоқда...  
Ха, чиндан ҳам бугунги сайловчи ўз ҳуқуқини яхши билади. Ишонч оқланмадими, демак бундай депутатдан вақиллик ваколоти қайтариб олиниши шарт.

05 >



## Парламент эшитишда модернизация масалалари муҳокама қилинди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING АГРАР ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ КЎМИТАСИДА «ЎЗАГРОМАШСЕРВИС» УЮШМАСИ ВА «ЎЗКИШЛОКХЎЖАЛИКМАШЛИЗИНГ» КОМПАНИЯСИ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ КИШЛОК ХЎЖАЛИГИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ЯНГИЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИШЛАР ҲАКИДАГИ ХИСОБОТИ ЭШИТИЛДИ

Маълумки, Президентимиз Ислоҳ Каримов томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар асосида парламентда ижро ҳокимияти раҳбарларининг тегишли тармоқлар бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборотларини эшитиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда. 2011 йилнинг ўзидагина Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик масалаларга бағишланган ўнлаб парламент эшитувлари ўтказилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Ушунда халқ хўжалигининг барча тармоқлари чуқур таназзулга юз тутгани оқибатида аҳоли норозилиги кучайган вазият эди. Ана шундай бир шароитда Юртбошимизнинг қатъияти, узоқни кўзлаб иш тутиши туфайли халқимиз оғир инқирозларни енгишга ўзида куч тоғди. Ҳарали ниятдаги баъзи кимсалар кутганидек, мамлакат парокандаликка юз тутмади.

Аммо глобаллашув жараёни шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозоридаги рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунларда ҳам мураккабликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиклолимизнинг маъномазмунини сохталаштиришга қаратилган уринишларнинг пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз керак. Бу эса ҳар биримизни янада хушёр ва сергак, дунёда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустаҳкам

4 >>>

## Янги йилда

### — янги масъулият билан

О'ZLIDEP «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОҲ КАРИМОВНИНГ «БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ — ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙЎЛИДИР» НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАРДАН КЕЛИБ ЧИКИБ, «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИГА АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИНИ МУҲОКАМА КИЛДИ

Кенгайтирилган йиғилишда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгаши раисларининг аёллар масалалари бўйича ўринбосарлари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари иштакор этдилар. Тадбирда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари М.Акрамова сўзга чиқиб, давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган асосий йўналишлар, хусусан, партия электорати ва «Аёллар қаноти» зиммасидаги вазифаларга тўхталди.

Ушунда халқ хўжалигининг барча тармоқлари чуқур таназзулга юз тутгани оқибатида аҳоли норозилиги кучайган вазият эди. Ана шундай бир шароитда Юртбошимизнинг қатъияти, узоқни кўзлаб иш тутиши туфайли халқимиз оғир инқирозларни енгишга ўзида куч тоғди. Ҳарали ниятдаги баъзи кимсалар кутганидек, мамлакат парокандаликка юз тутмади.

3 >>>



## 2012 йил — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»

### Давр синовидан ўтган тўғри йўл

БУ — РИВОЖЛАНГАН ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТЛАР КАТОРИДАН ЎРИН ОЛИШ ВА ХАЛҚИМИЗ УЧУН МУНОСИБ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДИР

Бугун ҳар бир юртдошимиз Президентимизнинг Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазаларни дорилмон кунларга шукроналик, эртанги кунга эса мустаҳкам ишонч туйғулари билан муҳокама қилмоқдалар, десак, муболага бўлмайди

Чунки Ўзбекистон халқи бундан йигирма йил аввал қандай ҳолатда кун кечирганини, осмонимизни қандай қора булутлар қоплаганини ҳали унутгани йўқ. Айни пайтда Марказий Осиёнинг юрагига, эзуғу мақсад ила бирлашган миллат ва халқларнинг бирлиги ва оқибатлиги рамзига айланган Ўзбекистон шаънига бир пайтлар «ўзларининг мустақил бошқаришга, мустақил давлат қуришга қодир эмассизлар» деган таъна-ю дашномлар айтилгани гўё кечагидек ёдимизда.

Ушунда халқ хўжалигининг барча тармоқлари чуқур таназзулга юз тутгани оқибатида аҳоли норозилиги кучайган вазият эди. Ана шундай бир шароитда Юртбошимизнинг қатъияти, узоқни кўзлаб иш тутиши туфайли халқимиз оғир инқирозларни енгишга ўзида куч тоғди. Ҳарали ниятдаги баъзи кимсалар кутганидек, мамлакат парокандаликка юз тутмади.

Аммо глобаллашув жараёни шиддатли тус олаётган ва жаҳон бозоридаги рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунларда ҳам мураккабликка, мана шу ёруғ кунларга эришиш йўлида кечирган синов ва машаққатларни, истиклолимизнинг маъномазмунини сохталаштиришга қаратилган уринишларнинг пайдо бўлаётганини унутмаслигимиз керак. Бу эса ҳар биримизни янада хушёр ва сергак, дунёда ва ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустаҳкам

2-3 >>>

## ХУСУСИЙ ПОЛИКЛИНИКА ИШГА ТУШДИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда. Аҳолига тез, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ва профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишда бирламчи тиббий муассасалар муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда Навоий вилоятида ҳам тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, талаб ва эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда янги шифо масканлари қуриш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Кармана туманида замонавий кўп тармоқли поликлиника қурилиб, фойдаланишга топширилди. У «Микрокредитбанк»нинг Кармана тумани бўлими молиявий кўмағида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. (ЎзА)



## Ёшлар масаласига бирламчи эътибор

— ДЕЙДИ О'ZLIDEP СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ «ЁШЛАР ҚАНОТИ» ЕТАКЧИСИ МАТЛУБА ЖЎРАЕВА

...Ҳақим ат-Термизий макбарасининг ёнидаги дўконча маҳаллий ва хорижий зиёратчилар билан ҳамшира гавжум бўлади. Ешгина сотувчи йигитнинг савдоси авжида. У мўъжаз сопол буюмлар — шамдон, қандил, чойнак-пиёла ва кўзачаларни ўз қўли билан ясаган, меҳр билан жило берган. Шу туфайли ҳар бирини алоҳида қадрлайди.

— Ота-боболарим ҳам кулоччилик билан шуғулланишган. Мен тўртинчи авлод вақилиман, — дейди Ҳайрулло Жўраев. — Ҳунар орқали бизнесимни ривожлантиришда О'zLiDeP «Ёшлар қаноти»нинг ёрдами катта бўлди. Натижада дўкон очишга муваффақ бўлдим. Айни пайтда О'zLiDeP аъзоси, «Ёшлар қаноти» фаолларидан бири сифатида тенгқурларим орасида партия дастурий гоёларини кенг тарғиб этишга ҳаракат қилаяман.

2-3 >>>

ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 20 ДЕКАБРАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

1 Австралия доллари	▼ 1774,72	1 АҚШ доллари	▲ 1791,38
1 Англия фунт стерлинги	▼ 2770,91	1 Миср фунти	▲ 297,62
1 Дания кронаси	▼ 313,12	1 Исландия кронаси	▼ 14,61
1 БАА дирҳами	▲ 487,73	1 Канада доллари	▼ 1720,33

1 Хитой юани	▲ 282,04	1 Туркия лираси	▼ 950,54
1 Малайзия ринггити	▼ 564,04	1 Швейцария франки	▼ 1907,14
1 Польша злотийси	▼ 517,87	1 ЕВРО	▼ 2349,31
1 СДР	▼ 2756,65	1 Жанубий Корея вони	▼ 15,20

1 Япония йенаси	▼ 229,81
1 Россия рубли	▼ 56,39
1 Украина гривнаси	▲ 224,21

# 2012 ЙИЛ — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»

web sayt: www.21asr.uz



## Қонун ижро масъулиятини кучайтиради

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

Миллий матбуот марказида ташкил этилган семинарда Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев Юртбошимиз раҳнамолигида олиб борилаётган илмий ислохотлар туфайли мазкур соҳани янада эркинлаштириш, соҳага оид қонунларнинг ҳаётимизга илмий татбиқ этилиши натижасида эса аҳолини керакли ахборотлар билан таъминлаш даражаси кескин ортиганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Журналистлари иккунчи уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов эса Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаш, бунда медиа тузилмалар, ахборот хизматлари ишлари давр талабларига мос тарзда йўлга қўйиш муҳим вазифа этиб белгиланганига

эътибор қаратди. Бугунги мулоқотдан кўзланган асосий мақсад ҳам ана шу устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда давлат ва жамоат бирлашмаларининг ахборот хизматлари ишлари янада фаоллаштириш, соҳага бозор муносабатларини кенг жорий этиш, миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга оид масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашишдан иборатдир.

Семинарда, шунингдек, ахборот олиш юзасидан муносабатларни кўриб чиқиш мuddатларини қисқартириш, қонунчилик талабларини бузганлик учун жоридик ва мансабдор шахслар жавобгарлигини кучайтиришга оид ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар ҳам билдирилди. Жумладан, O'zLiDeP фракцияси аъзолари ахборот хизматлари ишлари янада яхшилаш учун ижро ҳокимияти органлари фаолияти ошқоралигини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқару-

ви органлари веб-сайтларини замон талабларига мослаштириш соҳани ривожлантиришнинг энг долзарб вазифаларидан эканини таъкидладилар.

Бунинг учун эса Концепцияда таклиф этилган қонунчилик ташаббуслари, жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш лозим бўлади. Семинарда иштирок этган соҳа мутахассислари, тажрибали журналистлар ва ҳуқуқшунос-экспертларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши ахборот олиш имкониятларини кенгайтирибгина қолмай, ўз навбатида, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кескин кучайтиради.

Семинар якунида муҳокама қилинган масала юзасидан қўмитанинг тавсия ва ҳулосалари ишлаб чиқилди.

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

## Давр синовидан

### ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ЮРТБОШИМИЗНИНГ БОШ КОМУСИМИЗ КАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАР БУГУН МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЭНГ ЧЕККА ХУДУДЛАРИДА ҲАМ АКС-САДО БЕРАЁТГАНИ БЕЖИЗ ЭМАС



Алишер СУЛТОНОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси,  
«Шўртангазим» мажмуаси раҳбари

Чунки Президентимизнинг узқини кўзлаб олиб борган оқилона сиёсати туфайли ҳам халқимиз ўта мураккаб ва суронли йиллардан талофатсиз чиқа олди. Уша пайтларда асосан хом ашё манбаига айланган Ўзбекистоннинг бир мақсадга — пахта тайёрлашга бўйсундирилиши натижасида иқтисодийнинг етакчи тармоқлари оғир таназзул ёқасига келиб қолган эди. Ана шундай оғир шароитда Президентимиз Ислам Каримов томонидан «Ўзбек модели» деб ном олган бозор муносабатларига асосланган беш устувор тамойил ишлаб чиқилди. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизга кенг жорий этилиши эса бугунги тараққиётимизни белгилаб берди, албатта.

Ҳали-ҳануз жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган, дунёнинг аксарият давлатларида ишсизлик, тақчилликлар рўй бераётган бугунги кунларда ҳам Ўзбекистонда иқтисодий барқарорлик ҳукм сураётгани «Ўзбек модели»нинг ўзини тўла оқлаётганидан далолатдир. Айни кунларда эса яқин ва ўрта истикболга мўлжалланган, иқтисодий-иқтисодий ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ҳамда диверсификация қилишга қаратилган юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дасту-

рини амалга ошириш энг устувор йўналишларга айланмоқда. Бу борадаги амалий ишларга ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларида тамал тоши қўйилиб, энг аввало, таназзулга юз

тилга олинган республикамиз саноти тез суръатларда ривожланаётган давлатга айланди. Бунинг 2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси санотини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурнинг амалга оширилиши натижасида ўтган тўққиз ойда кимё ва нефть кимёси (111,9 фоиз), машинасозлик ва металл қайта ишлаш (111,8 фоиз), қурилиш материаллари (109

3,5 млрд. куб метр табиий газни қайта ишлаш, 125 минг тонна полиэтилен гранулари, 100 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш қувватига эга. Юртимизда бундай йирик корхоналарнинг бунёд этилиши мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириши баробарида аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлашга, уларнинг муносиб ҳаёт кечирishi учун шарт-шароит яратишга ҳам имкон беради. Биргина

### Ўзбекистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида биринчилар қаторида санот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инқирозини тўхтатишга эришилиб, унинг барқарорлиги таъминланди.

тута бошлаган санотни оёққа турғизишга эътибор қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Натижада Ўзбекистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги орасида биринчилар қаторида санот маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг инқирозини тўхтатишга эришилди ҳамда унинг барқарорлиги таъминланди. Бу эса ўтган қашқадар даврда автомобилсозлик, металлургия, кимё ва энгил санот соҳаларида кўллаб ютуқларга эришишда асосий мезон вазифасини ўтади. Мазкур жараёнда эса хусусий секторнинг жадал ривожланиши, аграр соҳанинг бутунлай қайта янгиланиши, фермерлик ҳаракатининг кенг кулоч ёзиши каби муҳим омиллар ижобий таъсир кўрсатди.

Бугун мамлакатни модернизациялаш, ишлаб чиқаришни янгилаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида ўтказилаётган туб ислохотлар ўз самарасини беролмоқда. Бир вақтлар фақат аграр мамлакат сифатида

фоиз), тиббиёт (131,3 фоиз) ва озиқ-овқат (114,7 фоиз) санотида ўсишга эришилганида ҳам кўриш мумкин. Мамлакат индустриясининг ривожини иқтисодий тармоқлари ва экспорт салоҳиятини ошириш, шу жумладан, экспорт қилинаётган маҳсулотлар турларини кенгайтириш ва уларни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, аънавий сотиш бозорларидаги позицияларни мустаҳкамлаш ва янги ташиқ бозорларини ўзлаштириш имконини берди. Бу борада қўрилган чора-тадбирлар туфайли товар ва хизматлар экспорт жорий йилнинг ўзида 21,4 фоизга ўсди.

Қашқадарё воҳасида «Шўртангазим» мажмуасининг ишга туширилиши ҳам истиклол йилларида амалга оширилган энг истикболли лойиҳалар натижасидир. Германия, Италия, Россия ва Япониянинг етакчи компаниялари иштирокида бунёд этилган ушбу корхона айни кунда йилига

мажмуамизнинг ўзида 3597 нафар ишчи-хизматчининг оилавий барқарорлигини таъминлаш учун барча шароитлар яратилган.

Президентимиз томонидан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши эса мамлакатни модернизациялаш, ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳалардан фойдаланиш, санот соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш мақсадида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Чунки оилалар мустаҳкамлиги, энг аввало, мамлакат тинчлиги ва хавфсизлигига, қулай ишбилармонлик муҳити яратилганлигига боғлиқ. Осида юртда тадбиркорлик билан шуғулланаётган киши эса ўз фаолиятини кенгайтиришга, янги иш ўринлари очишга интилади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир оиланинг ўз даромад манбаи, оилавий тўқилишининг мустаҳкам асоси мавжуд бўлишини таъминлайди, албатта.

учинчи сектор ▼

## «Вобкент» янги босқичда

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛГАНИ БОИС ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТИМИЗДА ТОБОРА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТМОҚДАЛАР

Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI ASR»

Бу эса ўз навбатида, долзарб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва гуманитар вазифаларни ҳал этишда давлат ва учинчи сектор муштараклигини таъминлашга хизмат қилаётган. Бухоро вилоятидаги «Вобкент» туманлараро бизнес инкубатори қарийб 9 йилдан бундан фаолият юритиб келади. Ўтган давр мобайнида мазкур ташкилот тадбиркорлик субъектларини эркин фаолият юрита оладиган етук хўжалик юритувчи корхоналарга айланishi учун қулай муҳит яратишга муносиб ҳисса қўшаяпти.

Жамонанинг ушбу саяё-ҳаракатлари бугун реал натижалар бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўтган йили «Қишлоқ хуқуқидан барқарор даромад манбаини яратиш» лойиҳаси бўйича 10 млн. сўмлик грантни қўлга киритган ташкилот 5 та тикув, 2 та патдўзлик машинаси, 4 та бишчи столи ва бошқа асбоб-ускуналарни харид қилди. Натижада 500 нафардан ортиқ хотин-қизларнинг турли йўналишлар бўйича малакасини ошириб, касб-хунарга ўргатди.

Аҳил жамоа фаолиятини таҳлил этсак, ННТ томонидан 20 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларини инкубацион даврдан ўтказилганини 114 та фермер хўжалигига имтиёзли консалтинг хизматлари кўрсатилганини кўраемиз.


Дарҳақиқат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш устувор вазифалардан бирига айланган ҳозирги

пайта нодавлат нотижорат ташкилотларини, умуман, фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Зеро, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш ва фуқароларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини кенгайтиришда учинчи секторнинг ўрни тобора ошиб бораёпти. Айниқса, уларнинг маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликдаги фаолияти диққатга сазовордир.

Эътибор беринг: биргина «Вобкент» ННТ «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да Пешку, Фижудов ва Вобкент туманларидаги хусусий корхоналарга 550 млн. сўмдан ортиқ кредит маблағларини жалб қилишга кўмаклашди. Хусусан, ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Салима Инобат» корхонасига кўрсатилган ёрдам туфайли корхона 350 млн. сўмлик кредит олиб, ўз фаолиятини янада кенгайтириш имконига эга бўлди.

Умуман олганда, мазкур нодавлат нотижорат ташкилоти мисолида мамлакатимизда мустақиллик йилларида фуқаролик жамияти институтлари фаолияти ривожланиши учун қулай сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилганини кўриш мумкин. Улар давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан биргаликда ижтимоий шериклик асосида минтақаларда мавжуд ижтимоий-иқтисодий масалаларни биргаликда ҳал этиш ва шу орқали турли ижтимоий гуруҳларни давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

## Ёшлар масаласига



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Шухрат РАҲИМОВ,  
«XXI ASR»

Ҳақиқатан ҳам, «Ёшлар қаноти» ташаббуслари ҳаётимизда реал натижалар бераётгани кувонарли ҳолдир. Зеро, мазкур бўлимининг қуруқ ваъзхонлик

билан эмас, аксинча амалий ишларга ўтаётгани ёшларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан кўмаклашиб, уларнинг жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланаётгани навқирон йигит-қизларда партияга бўлган ишончини янада му-

стаҳкамляпти.

Биз O'zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгашининг Ёшлар билан ишлаш бўлими фаолияти билан танишар эканмиз, бунга яна бир қарра амин бўлдик. Айни пайтда вилоятда 21030 нафардан зиёд партия аъзолари бўлиб, уларнинг ярмидан кўпрогини 18-34

ёшдаги йигит-қизлар ташкил этмоқда. Вилоят кенгаши маҳаллий аҳоли, жумладан, ёшлар ўртасида бандлик даражасини ошириш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, иқтисодий-ҳуқуқий билимларини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Иқтидорли йигит-қизларга банклардан кредит олиш орқали ўз бизнесини йўлга қўйишлари ҳамда ривожлантиришлари учун яқиндан ёрдам кўрсатилаёпти. Бу борада банк, солиқ, молия идоралари, Савдо-санот палатаси билан ҳамкорликни кенгайтириш яхши самара бераётган. Жумладан, Термиз шаҳрида олий таълим муассасалари битирувчилари учун «Диплом билан — бизнесга!» лойиҳаси доирасида ташкил этилган ўқув-семинарда 40 нафардан зиёд йигит-қиз қатнашиб, тадбир якунида уларнинг 6 нафарига «Микрокредитбанк» томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

«Диплом билан — бизнесга!» лойиҳаси унутилмас воқеалардан бири

# 2012 ЙИЛ — «МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»

www.21asr.uz

## ЎТГАН ТЎҒРИ ЙЎЛ

### БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

ЖАХОН БОЗОРИДА РАКОБАТ ТОБОРА КУЧАЙЎТГАН БУГУНГИ КУНЛАРИМИЗДА ЮКСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ХАМДА ИННОВАЦИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ, АЛБАТТА



**Равшанжон АСҚАРОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты,  
O'zLiDeP фракцияси аъзоси

Чунки иқтисодиётга инновацияларни жорий этиш инқироз оқибатларини бар- тараф этишининг ягона йўли сифатида танланмоқда. Шу боис ҳам Юртбошимиз томонидан бозор қонуниятларига асосланган миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш йўлларида бири — интеллектуал кадрларга устуворлик бериш эканига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, истиқлол йил-

ларида бу борада изчил ишлар амалга оширилди. Энг аввало, юксак билим ва салоҳиятга эга ёш авлод вакиллари алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Замонавий технология ва инновацион лойиҳаларни жорий этишга доир тизимли ишлар туфайли сановат корхоналари ва ишлаб чиқариш объектлари босқичма- босқичлик асосида модернизация қилинапти. Натижада мамлакатимизда бар-

қарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда. Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози айна кучайган паллада ҳам мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,5 фоиздан кам бўлмади.

Президентимизнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида илгари сурилган таклиф ва мулоҳазалар, яъни интеллектуал салоҳиятдан ўрта синф мулкдорлари фаолияти самарадорлигини оширишда фойдаланиш, иқтисодиётнинг реал секторида улар иштирокини кенгайтириш масаласи аниққса, O'zLiDeP учун энг устувор вазифага айланиши лозим.

Бунда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш, улар ўртасида инновацион лойиҳаларни кенг тарғиб қилиш орқали тадбиркорликка жалб қилиш масаласига устувор аҳамият қаратишимиз лозим бўлади. Партиямиз нуқтаи назарига кўра, оилалар мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан уларнинг моддий ва маънавий таъминланганлик даражасига боғлиқдир. Шу боис биз «Мустаҳкам оила йили»да оиланинг ҳуқуқий мақомини янада мустаҳкамлаш, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишга қаратилган қонунчилик базасини такомиллаштиришга бирламчи эътибор қаратишимиз лозим, деб ҳисоблаймиз.

## ТАДБИРКОРЛИКДАН — ОИЛАВИЙ ФАРОВОНЛИККА

АМИР ТЕМУР БОБОМИЗНИНГ «ИШБИЛАРМОН, МАРДЛИК ВА ШИЖОАТ СОҲИБИ, АЗМИ КАТЪИЙ, ТАДБИРКОР ВА ҲУШЁР БИР КИШИ МИНГ-МИНГЛАБ ТАДБИРСИЗ, ЛОКАЙД КИШИЛАРДАН ЯХШИДИР» ДЕГАН ПУРМАЁНО ҲИКМАТИ ИСБОТИ БУГУНГИ КУНДА ХАМ ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПМОҚДА

**Вали ЭШМОНОВ,**  
Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Саид Эшмонов» хусусий корхонаси раҳбари

Чунки истиқлолнинг илк кунлариданоқ хусусий секторни ривожлантиришга устуворлик берилиши одамларни боқимондалик кайфиятидан халос этиб, ишбилармонлик ва ташаббускорликка ўргатди. Натижада юртимизнинг деярли ҳар бир оиласида доимий даромад манбаига айланган хусусий бизнес йўлга қўйилди. Бу эса оилалар мустаҳкамлигини таъминлаши баробарида мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Юртбошимиз таклифи билан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон

қилиниши замирида ҳам айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали оилаларни янада рағбатлантириш мақсади мужассам, деб ўйлайман. Зеро, оила мустаҳкамлиги, аввало, шу оила, маҳалла, қолаверса, бутун мамлакат ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир. Агар ана шу фикрни ўз оиламизда давом эттирсак, юртимизда тадбиркорликка юксак эътибор қаратилгани туфайли 2002 йилда отам Саид Эшмонов бошчилигида тадбиркорликка қўл уриб, қурилишда зарур бўлган тўрт турдаги шпателька ишлаб чиқара бошладик. Маҳсулотларимиз бозорда ўз харидорини топган, аста-секин оиламизнинг моддий фаровонлиги яхшилана

бошлади. Ҳозир 75 млн. сўмлик низом жамғармасига эга бўлган корхонамизнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириб, янги бино ва иншоотлар учун буюртмалар олаёلمиз. Хусусан, Юртбошимиз ташаббуси асосида бунёд этилаётган кўркам ва замонавий турар-жойлар учун янги «Fuga Fleks» деб номланган маҳсулотимизни етказиб бераёلمиз.

Албатта, ҳар қандай оила фарзандлар қувончи билан тўқисдир. Учинчи синфда ўқиётган ўғлим Акромжоннинг жорий йилда спортда эришган ютуқлари барчамизни қувонтирмоқда. Конституция байрами арафасида Навоий шаҳрида болалар ўртасида ўтказилган каратэ бўйича Республика чемпио-

ни бўлиб, вазндаги спортчилар ўртасидаги беллашуларда фахрли 3-ўринни олди.

Бу билан нима демокчи- ман: бугун оилаларимиз тўқинлиги, фарзандларимиз қувончини кўриш бахтига эга эканлигимиз Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган тўб ислохотларнинг нақадар тўри эканини тасдиқлаб турибди. Тинчлик, барқарорлик неъматини эса энг аввало, оилалар фаровонлигига қаратилганидан ишонча бу. Шу маънода ҳам янги йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилгани юртдошларимиз дилидаги таклиф бўлди.

Қ.САЙДАЛИЕВ тайёрлади

## ПЕЧЛАР ТОШКЕНТДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Пойтахтимизда Samsung electronics компанияси билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган янги маҳсулотлар — GW712BR ва MW712BR русумдаги микротўқинли печларнинг тақдими бўлиб ўтди. Мутахассисларнинг фикрича, электр қувватини жуда кам миқдорда сарфлайдиган, ўзига хос дизайнга эга бўлган мазкур маиший техника қурилмаларининг барча қисмлари Тошкентда ишлаб чиқарилади. Аҳамиятли томони шундаки, бошқа русумдаги печларга нисбатан 10 фоиз каттароқ сизимга эга бўлган мазкур микротўқинлар озик-овкат маҳсулотлари ва таомларни исбатан тез мудатда тайёрлаш имконини берувчи бир қатор инновацион технологиялар, хусусан, «музни тез эритиш», «катта миқдордаги буг ёрдамида пишириш» каби вазифаларни ҳам аъло даражада бажаради.



## Янги йилда янги масъулият билан

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Шухрат ХҲҲАЕВ,**  
«XXI ASR»

— 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилингани, табиийки, мамлакатимиздаги барча аёлларга кўрсатилган юксак ҳурмат ва ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир, — деди М.Акрамова. — Зеро, Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асаридеда таъкидланганидек, «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасавурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади». Биз ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Президентимиз маърузасининг мазмун-моҳиятини партия аъзолари бўлган хотин-қизларга етказиш, билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида ўз таклифларимизни O'zLiDePнинг 2012 йилга мўлжалланган иш режаси ҳамда «Мустаҳкам оила йили» давлат дастурига тақдим этишимиз лозим.

Шу ўринда, тадбир иштирокчилари «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да аёлларнинг илм-фан ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожига қўшган ҳиссалари, хусусан, фермерлик, хунармандчилик, касаначилик, шунингдек, оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар учун яратиб берилган шароитлардан унумли фойдаланиш лозимлигига эътибор қаратиб, қабул қилинаётган янги қонун лойиҳаларини такомиллаштиришда фаол иштирок этиш лозимлигини таъкидладилар. Йўғилишда, шунингдек, «Аёллар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган уч босқичли «Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари» лойиҳасининг натижалари ҳам атрофлича таҳлил қилинди. Маълумки, ана шу лойиҳа асосида ўтказил-

ган махсус семинарлар якунида 15 нафар аёлга тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилиб, жами 155 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган.

Бундан ташқари, тадбирда давлатимиз раҳбарининг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» мамлакатимизнинг барча

нгич партия ташкилотининг 131 тасига аёллар етакчилик қилаётганини алоҳида таъкидлаш мумкин, — деди Х.Халилова. — Юртбошимиз таклифи билан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши эса оила қўғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилишга қаратилган ҳаракатлар янада изчил давом эттирилиши-

Бу жараёнда мамлакат сиёсий майдонидаги барча партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар зиммасига жуда катта масъулият юклатилаётганини чуқур англаб этишимиз зарур.

жабҳаларида ривожланишнинг янги босқичини бошлаб бериши баробарида партия аъзолари, шу жумладан, «Аёллар қаноти» фаоллари зиммасига ҳам улкан вазифалар юклагани, O'zLiDeP томонидан ўтказилаётган барча тадбирларда ана шу устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда ҳудудларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда аёллар иштирокини янада оширишга қаратилаётгани таъкидланди.

«Аёллар қаноти» фаолиятига оид сиёсатнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталган O'zLiDeP Андихон вилоят Кенгаши раисининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари Х.Халилованинг айтишича, кейинги йилларда вилоятдаги сиёсий жараёнларда бево- сита иштирок этаётган хотин-қизлар сони тобора ортиб бормоқда. — Айна пайтда вилоятда O'zLiDePга аъзо бўлган сафдошларимизнинг 33 фоизини аёллар ташкил этмоқда. Қолаверса, шаҳар ва туманларимизда фаолият олиб бораётган 481 та бошла-

дан далолатдир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида ноқ кучли ижтимоий система азалдан оилани муқаддас, деб билган ўзбек халқининг урф-одатлари, қадриятлари ва албатта, юксак маънавиятга эга эканининг яна бир ифодаси бўлди. Бу яна бир бор инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлган мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва меҳр-муруватга қаратилаётганидан далолатдир. Бу жараёнда мамлакат сиёсий майдонидаги барча партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлар зиммаларига ҳам жуда катта масъулият юклатилаётганини чуқур англаб этишлар зарур. O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг кенгайтирилган йўғилишида айнан ана шу вазифалар ижросини таъминлашда фаол иштирок этишга келишиб олинди.

## бирламчи эътибор

бўлди, — дейди танлов ғолибларидан бири, Қизилқум туманилик Хуршид Маматқасимов. — Интилишларимиз туфайли 2 миллион 400 минг сўмлик имтиёзли кредитга эга бўлдим ва ўз бизнес-режамга мувофиқ асарчиликни йўлга қўйдим. Келажакдаги режаларим янада катта.

Ҳа, жорий йилда бево- сита «Ешлар қаноти»нинг кўмаги билан 60 нафар йигит-қиз ўз бизнесини бошлашга муваффақ бўлди. Айни кунда уларнинг 40 нафари тадбиркорлик, 20 нафари эса чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланмоқда. Жарқўғонлик яққа тадбиркор Дилафрўз Каримова ҳам миллий қадриятларни қайта тиклашга бел боғлаганлардан бири. У айна пайтда каштачилик ва зардўзлик билан жиддий шуғулланаётган. Саккиз нафар қизни муқим иш билан таъминлаб, 15 нафар шогирд етиштирди. Улар қўлида жило топган зардўзлик либослари, ёстиқ жилдлари, чойнак ёпқичлари, қуроқ кўрпачаларга талаб катта. Чунки улар юқори сифати билан ажралиб туради. Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ликни ривожлантириш учун яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўз фаолиятини янада кенгайтириш, аҳоли фаровонлиги йўлида сидқидилдан хизмат қилиш Дилафрўз Каримованинг бирдан-бир мақсадидир.

«Ешлар қаноти» фаолларининг маънавият, гоёвий тарбия соҳасида олиб бораётган ишлари ҳам эътиборга молик. Жумладан, ҳар томонлама етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, йигит-қизларни ёт оқим ҳамда иллатлар таъсиридан халос этиш учун барча чоралар кўриляпти. Шу мақсадда соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ташкил этилаётган маънавий-маърифий кечалар, учрашувлар, ўқув-семинарлар, танловлар кўпчиликти катта таассурот қолдиarmoқда. Масалан, яқинда Термиз шаҳрида «ОИТС, гиёҳвандлик ва чекишга йўл йўқ, деймиз!» мавзусида расмлар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда 25 нафар йигит-қиз ўз ижодий ишлари билан қатнашди.

— Алпомиллар юрти сифатида танилган вилоятимизда болалар спортини ривожлантириш, жисмоний тарбиянинг оммавийлигини

таъминлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб олинган, — дейди Матлуба Жўраева. — Шаҳар ва туманларда ташкил этилаётган спорт мусобақаларида минг-минглаб ёшлар қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда. Тўғри, фаолиятимизда камчиликлар ҳам бор. Хусусан, бандлик муаммосини ҳал этиш, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш бора-сидаги ишларни етарли даражада назорат қилиш, бу борада ёшларнинг том маънодаги кўмакчасига айланишда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Вилоятимизда 88 та касб-хунар коллежи ва икита академик лицей бўлиб, жорий йилда уларни 31 750 нафар йигит-қиз битириб чиқди. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам муқим иш ўрнига эга бўлгани йўқ. Янги йилда ушбу масалага янада жиддийроқ ёндашиш учун тадбиркорлик субъектлари, йирик сановат корхоналари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари билан ҳамкорликда аниқ режа-тадбирлар белгиланди. Зеро, ёшлар — бизнинг келажгимиз. Шундай экан, уларнинг тақдирига бефарқ қарашга асло ҳаққимиз йўқ.

# ҚОНУНЧИЛИК

web sayti: www.21asr.uz

## Парламент эшитувида модернизация масалалари муҳокама қилинди

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари кўмитаси томонидан ташкил этилган навбатдаги парламент эшитуви ҳам ана шу жараённинг изчил давом эттирилатганини кўрсатмоқда.

Кўмита раҳбари, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Муҳаммадосиф Тешабоевнинг таъкидлашича, аграр соҳа тараққиётини замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк йилларида Юрбошимиз раҳнамолигида бу борада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди. Энг муҳими, ана шу жараёнда тармоқда хусусий мулкчиликка асосланган ҳўжалик юритиш тизими яратилди. Фермерлик ҳаракатини молиялаштириш ва моддий-техник базасини яхшилаш бўйича бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган ишончли механизм шаклланди.

Қишлоқ ҳўжалиги корхоналарига техника воситаларини лизинг асосида етказиб бериш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш, молия муассасаларининг кредит ресурсларидан оқилона фойдаланиш, солиққа тортиш ва сўғурта қилиш бўйича яратиб берилган имтиёзлар туфайли тармоқни юқори унумли, тежамкор ва ҳар томонлама қулай техник воситалар билан таъминлаш имконияти яратилди.

«Ўзагроташсервис» тизимига кирувчи корхоналар қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга техник хизмат кўрсатувчи асосий ташкилотлар саналади, — деди йилгида уюшма раиси Баҳодир Абдуқодиров. — Айни пайтда уюшма тизимида 13 та худудий машина-трактор парклари бирлашмаси, 179 та машина-трактор парки, республика миқёсида 4 та, вилоятлар кесимида эса 25 та таъминот корхонаси, 14 та таъмирлаш ва ишлаб чиқариш заводлари, 10 та техник хизмат кўрсатиш корхонаси ҳамда «Қишлоқ ҳўжалиги техника ва технологияларини синаш ва сертификатлаш давлат маркази» фаолият кўрсатапти.

Мажбур МТПлар 1796 та «Магнум», 1647 та «Кейс», 698 та «Кейс-2022» ҳамда 95 та «Клаас-Доминатор-130» русумидаги замонавий тех-



ник воситалар билан таъминланган. Бундан ташқари, 2341 та ҳайдов трактори, 192 та «МХ-240» ва 1885 та «МХ-255» русумли галла ўриш комбайнлари фермерларга хизмат кўрсатмоқда.

«Ўзқишлоқҳўжаликмашилизинг» компанияси раиси Нодир Отажонов 2009 йилда ушбу ташкилот томонидан 3133 та, 2010 йилда эса 3444 та замонавий техника фойдаланувчиларга лизинг асосида етказиб берилганини, 2011 йилда бу кўрсаткич 5393 тага етганини айтди. Айни пайтда техника воситаларини лизинг асосида харид қилувчиларга қўшимча қулайликлар яратиш учун дастлабки тўлов миқдори бир неча маротабага камайтирилиб, тўлов муддатлари узайтирилмоқда. Мисол учун, лизинг шартларида аванс тўлови техника умумий қийматининг 15 фоизини ташкил этгани ҳолда, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ошмаган миқдорда 10 йил муддатга бериш йўлга

қўйилди. Ана шундай шартлар асосида шу кунгача 22 мингта ҳўжаликка жами 36 мингдан зиёд техник воситалари етказиб берилди.

Парламент эшитувида қишлоқ ҳўжалигини модернизация қилиш бўйича олиб борилётган ана шундай ишларга қарамай, соҳада айрим камчиликларга йўл қўйилаётганига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, O'zLiDeP фракцияси аъзолари эскирган чопик ҳамда ҳайдов тракторларининг мавжудлиги мутасадди ташкилотлар фаолиятини замон талаблари даражасида ривожлантириш лозимлигини кўрсатмоқда. Чунки бу техникалар аллақачон фойдаланиш муддатини ўтаб бўлгани боис иш унуми камайиб, ёнилғимойлаш маҳсулотлари ҳамда эҳтиёт қисмларга бўлган талаб тобора ошиб бормоқда.

O'zLiDeP фракцияси аъзоси Ориф Шарипов айни пайтда «Ўзагроташсервис» уюшмаси тизимидagina минглаб техникалар борлиги, бунга фермерлар

ихтиёридаги трактор ва комбайнлар қўшилса, бу кўрсаткич янада ортишини таъкидлади. Уларга техник хизмат кўрсатувчи корхоналар эса бармоқ билан саналмайдир. Демак, бу шунча техникага ўз вақтида сифатли сервис хизмати кўрсатиш имконияти етарли эмаслигини далolat бермоқда.

Тадбирда Қибрай туманидаги «Истиклол Шукурова Гўзал» фермер ҳўжалиги раҳбари Гўзал Шукурова ҳам сўзга чиқиб, замонавий техника воситаларининг эҳтиёт қисмларини ўзимизда ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Парламент эшитувида «Ўзагроташсервис» уюшмаси ҳамда «Ўзқишлоқҳўжаликмашилизинг» компанияси фаолиятини ривожлантиришга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ таклиф ва тавсиялар ҳам билдирилиб, муҳокама этилган масала юзасидан кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

### ЯНГИ УЙЛАР МУБОРАК



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи томонидан ҳар йили корхона ишчи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари учун бир-бирдан шинам уйлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Завод маблаглари ҳисобига барпо этилган уйлар сони бугунгача 730 тадан ошди. Яқинда яна 31 та оила янги уйларга кўчиб ўтди. Завод мутасаддиларининг фикрича, 3 ёки 6 хонадан иборат уйларни қуриш учун 4 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr»



**ТОШКЕНТ.** O'zLiDeP шаҳар кенгаши билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамкорлигида «Қонун устуворлиги — ҳуқуқий демократик давлат пойдевори» мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, партия фаоллари ва талабалар иштирок этдилар. Тадбирда Президентимиз таклифи билан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном берилиши партия шаҳар кенгаши зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклаши таъкидланиб, маҳаллаларда оилавий бизнесни ривожлантириш, ёшларни кичик бизнесга кенгроқ жалб қилиш, улар ўртасида бандлик даражасини ошириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилди.

Учтепа туман партия кенгаши томонидан ўтказилган тадбир эса «Бошланғич партия ташкилотларининг мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида тугган ўрни»га бағишланди. Унда БПТлар фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ривожлантириш, гоёвий-сийёсий ишлар самарадорлигини ошириш ва партия электоратини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлардан фойдаланиш лозимлиги таъкидланиб, яқин истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

**НАВОЙЙ.** «Демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш: O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг вазифалари». Партия вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган навбатдаги давра суҳбати ана шундай номланди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва

халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, банк, солиқ идоралари вакиллари, партия фаоллари — тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этдилар. Таъкидланганидек, хотин-қизларни кичик бизнес соҳасига кенгроқ йўналтириш, уларнинг ижтимоий-сийёсий фаоллигини ошириш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бунинг учун эса жойларда қулай бизнес муҳити яратиш, Президент фармонлари ва қарорлари ижросини қатъий назоратга олиш лозим. Давра суҳбатида халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари М.Урчинова ва Г.Бобоқулова сўзга чиқиб, аёлларда тадбиркорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланишга шароит яратиш эг қўлимиз партиявий вазифалардан бири эканлигини таъкидладилар.

### ЧИМЁНДА САВДО МАРКАЗИ ИШ БОШЛАДИ

Фарғона вилоятининг ушбу тоғ қишлоғида барча қулайликларга эга бўлган янги савдо мажмуаи фойдаланишга топширилди. Давлат солиқ кўмитаси ахборот хизматидан хабар қилинишича, замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган мазкур савдо мажмуаси истеъмол товарлари, ҳўжалик моллари ва тайёр кийимлар сотиладиган 82 та дўкон, шунингдек, ошхона, тиббиёт хоналари, юкларни сақлаш ҳамда харидор ва сотувчиларга қўшимча хизматлар кўрсатиш иншоотларидан иборатдир. Савдо мажмуасидаги дўконлар республика миқёсидаги товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда маҳаллий тадбиркорлик субъектларига бириктирилган бўлиб, маҳсулотларни пластик карталар орқали харид қилиш учун тўлов терминаллари ўрнатилди. Аҳамиятлиси, мазкур объектнинг фойдаланишга топширилиши туфайли бу ерда 150 та янги иш ўрни яратилди.

## Оилавий бизнес — фаровонликни таъминлашнинг муҳим омили

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Муҳаббат РАВШАНОВА,  
«XXI ASR»

— Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий бизнеснинг кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринлари очиштиришга имконият яратиши, — деди депутат.

Ф.Зоировнинг фикрича, бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бир неча асрлардан буён шаклланиб келган миллий анъаналарга, ҳўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Жамиятда ўз мулкига ва даромад манбаига эга бўлган аҳоли қатламнинг мавжуд бўлиши эса оила мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилади.

Тадбирда, шунингдек, туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Насиба Мамадиёрова сўзга чиқиб, уй меҳна-

ти билан банд бўлган хотин-қизларни томорқадан унумли фойдаланиш орқали оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилган шарт-шароитлар хусусий бизнес вакилларининг эркин фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди Н.Мамадиёрова. — Қабул қилинаётган қонунлар, Президентимизнинг фармон ва қарорларида акс этган ҳуқуқ ва имтиёزلардан кенг фойдаланиб, ўз бизнесини ривожлантираётган тадбиркорлик субъектларининг сони туманимизда ҳам тобора ортиб бормоқда. Шунингдек, эҳтиёт қилиш жозаки, фақат уй юмушлари билан банд бўлиб қолган аёлларимиз орасида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларни

фойдали меҳнатга жалб қилиш борасида O'zLiDeP «Аёллар қаноти» билан ҳамкорлигимиз яхши самара бераёттир. Биргаликда ўтказилган тадбирларимизда мустақил ҳаёт оstonасига қадам қўётган қизларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка ўргатиш, улар учун қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш масалалари атрофида муҳокама қилиниб, бу борада тажрибали тадбиркор, фермерлар, ҳунарманд ва касаначи аёлларнинг иш тажрибаларини омдаллаштиришга эътибор қаратиляпти.

Анжуманда партия тузилмаларининг маҳаллий бошқарув органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада қучайтириш лозимлиги таъкидланиб, муҳокама қилинган масала юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

## Ижодий лойиҳалар сарҳисоби

МАМЛАКАТИМИЗДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ РАҲНАМОЛИГИДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РИВОЖИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИ АХОЛИНИНГ БАРЧА ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, ХАМИОРТЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШДА МУҲИМ ОМИЛ БЎЛМОҚДА



Назokat УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан 2011 йилда амалга оширилган лойиҳалар ижросига бағишлаб он-лайн режимида ўтказилган анжуманда ўз қизлар яна бир бор ўз ифодасини тоғди. Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, кенг жамоатчилик билан бевосита мулоқот тарзида ўтган конференцияда илм-фан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, маданият ва санъат намоёндалари, маънавият тарғиботчилари иштирок этди.

Истиклол йилларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини асраб-авайлаш, янада юксалтириш, миллий қадриятларимиз бардавомлигини таъминлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилувчи илғор изланишларни изчил қўллаб-қувватлаш лозим.

ринчи халқаро кинофоруми санъатнинг барча йўналишларида эришилган ютуқларни кенг жамоатчиликка таништирди. Ўзига хос гўзаллик ва нафосат марафонига айланган «Art Week.Style.Uz» санъат ҳафталиги мустақиллик даврида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш, барқарорликни сақлаш, фаровонликни таъминлаш, юксак ижодий-интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказиш борасида эришилган марраларни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш имконини берди.

Айни пайтда бадий гимнастика бўйича «Кичкинтой» халқаро турнири, спорт пластикаси ва замонавий хореография бўйича танлов, «Хаёт учун!» хайрия марафони, турли мусобақалар, спартакиадалар жамиятда соғлом турмуш тарзи гоёларини мустаҳкам қарор топтириш, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга хизмат қилди. Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар кенгаши» республика жамоати бирлашмаси, «Меҳр нури» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, Миллий санъат маркази каби қатор жамоат ва ижодий ташкилотлар ҳамкорлигидаги акциялар, грант дастурлари, танловлар, ижтимоий лойиҳалар, концерт ва кўргазмалар хотин-қизларнинг жамиятдаги маънавияти янада юксалтириш, уларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, оилалар манфаатларини ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этди. Анжуманда мазкур жамоат ташкилотининг янги лойиҳалари, келгусидаги ижодий режалари хусусида атрофида фикр алмашилди.

## Масъулиятсизлик сайловчи ишончига путур етказди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ КАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР-МУЛОХАЗАЛАР О'ZLiDeRNING ЖОЙЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИНИ, АЙНИКСА, МАХАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИ КЕСКИН КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМЛИГИНИ КЎРСАТДИ

Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI ASR»

Айниқса, Нишон туманида кўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилмаётгани хусусидаги фикрлар бошқа мутасадди идоралар қатори партия фаолларини ҳам бу масалага масъулият билан ёндашишларини тақозо этмоқда. Тўғри, кейинги йилларда вилоятнинг бошқа ҳудудларида бўлганидек, Нишонда ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Соҳа мутахассислари айниқса, туманда тадбиркорлик субъектлари мустақкам оёққа туриб олганини таъкидламоқдалар. Айни пайтда Нишонда 5043 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, шундан 614 таси фермер, 1000 дан ортиги деҳқон хўжалиқларидир. Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойида улар сони 598 тага кўпайган.

Маълумки, ислохотлар самарадорлиги кўп жихатдан айнан ана шу шундай ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқдир. Иқтисодийни юксалтириш, экспорт соҳага янги охириш эса мавжуд захиралардан қай даражада фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бунинг учун, энг аввало, бизнес субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда хорих инвестицияси учун қўлай муҳит яратиши лозим. Лекин, афсуски, Нишон туманида кейинги йилларда мамлакат миқёсида яратиб берилган ана шундай имкониятлардан етарли фойдаланилмади. Хусусан, инвестицион таклифларни кўриб чиқиш, тадбиркорларни қизиқтирган масалаларни жойида ўрганиш, янги лойиҳаларни ҳаётимизга жорий этиш бўйича амалий ишлар талаб даражасида йўлга қўйилмади.

Туман ҳокимининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Зокир Баратовнинг айтишича, Президентимизнинг «2011-2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори асосида «Проексема» хусусий корхонасида йилга 380 тонна макарон, «Лобар Зоирова» хусусий корхонасида эса йилга 500 тонна сут ва сур

маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўзда тутувчи лойиҳаларни амалга оширишга киришилди. 2012-2015 йилларда эса яна 5 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштириляпти. Яқинда ташки иқтисодий алоқа-

қулай шарт-шароитлар яратиш долзарб масаладир. Бунда ҳудуддаги йирик саноат корхоналари билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор

қорлик ва фермерлик фаолияти билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш юзасидан бирон-бир амалий ишга қўл урмаганлари вилоят кенгаши мутасаддиларининг лоқайдлиги, мавжуд вазиятга томошабинлигидан бошқа нарса эмас, албатта. М.Ҳамраев айни пайтда сайловчилар талаби билан туманда МТДПнинг 2 нафар, ХДП ва О'zLiDeRнинг 1 нафар депутатини ўз зиммасидаги масъулиятни унутиб қўйганлари учун чакиртириб олиш масаласи кўриб чиқилаётганини таъкидлади...

Ҳа, чиндан ҳам бугунги сайловчи ўз ҳуқуқини яхши билади. Ишонч оқланмади, демек бундай депутатдан вакиллик ваколати қайтариб олиниши шарт.

Шу ўринда, вилоят кенгаши сессиясида алоҳида таъкидланганидек, иқтисодийнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технология жихатдан қайта жиҳозлаш бугун Нишон тумани мутасаддилари зиммасидаги энг долзарб масала эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мутахассисларнинг фикрича, Нишонда 2031,2 минг тонна гипс хом-ашёси мавжуд бўлиб, ундан цемент ва гипсокартон тайёрлаш мумкин. Шунингдек, ҳудудда жунни қайта ишлаб экспорт қилиш, қандолат маҳсулотлари, ерғоқ кремни ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўшма корхоналар ташкил этиш имкониятлари анча юқоридир. Бунинг учун изланувчан ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама кўмак бериш керак.

Бир сўз билан айтганда, туман мутасаддилари Юр-тубошимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасидаги фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш, ҳудудда ишбилармонлик жойларини яратиш билан жиддий шуғуллансаларгина хусусий секторнинг иқтисодиётдаги роли ва улоши ортади. Бу эса янги иш ўринлари, қўшимча даромад манбаи деганидир. Бас шундай экан, бу жараёнда маҳаллий давлат идоралари вакиллари билан бир қаторда О'zLiDeRнинг жойлардаги фаоллари зиммасига алоҳида масъулият юклашнинг ҳеч қачон унутмаслигини лозим.

Туман ҳокимлигининг ташкилий ишлар бўлими мудир Муҳиддин Ҳамроев ўтган даврда халқ депутатлари туман кенгашининг 9 та сессияси ўтказилган бўлса-да, 27 нафар депутатнинг бирортаси туманда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш борасида жўяли таклиф ёки фикр билдирмаганини таъкидлади. Кўрииб турибдики, сайловлар даврида аҳолига коп-коп ваъдалар берган халқ вакиллари томошабинлиги, бугунги кун талабларини англамасликлари оқибатида туман иқтисодиётида қандайдир оксоқликлар юз берди.

лар, инвестициялар ва савдо вазирилик мутахассислари Нишон туманида бўлиб, мавжуд аҳолини ўрганиш ва янги корхоналар ташкил этиш юзасидан қатор таклифларни муҳокама қилдилар.

Ҳақиқатан ҳам, халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидан кейин туманда кескин ўзгаришлар амалга оширишга киришилди. Аммо ҳар қандай ташаббус ва интилишлар, энг аввало, куйидан бошланиши лозимлигини маҳаллий раҳбарлар аввалроқ тушуниб етганларида эди, бугунги қоқоқликнинг олди олинган бўларди, албатта. Афсуски, ислохотлар натижаси учун масъулиятни ўз зиммасига олган О'zLiDeRдан сайланган депутатлар ҳам тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, жойларда депутатлик назоратини кучайтириш лозимлигини кеч англадилар.

О'zLiDeR туман кенгаши раиси Муҳиддин Қодировнинг таъкидлашича, сессиядан кейин партия фаоллари ўзлари учун тегишли хулосалар чиқардилар.

Бугун туманда тадбиркорлик фаолияти учун

қаратиш лозим. Зеро, сийёс партиялардан сайланган маҳаллий кенгаш депутатларининг ташаббускорлиги, айниқса, ислохотлар моҳиятини чуқур англашларига кўп нарса боғлиқ эканини эса сира унутмаслигимиз керак.

Туман ҳокимлигининг ташкилий ишлар бўлими мудир Муҳиддин Ҳамроев ўтган даврда халқ депутатлари туман кенгашининг 9 та сессияси ўтказилган бўлса-да, 27 нафар депутатнинг бирортаси туманда тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш борасида жўяли таклиф ёки фикр билдирмаганини таъкидлади. Кўрииб турибдики, сайловлар даврида аҳолига коп-коп ваъдалар берган халқ вакиллари томошабинлиги, бугунги кун талабларини англамасликлари оқибатида туман иқтисодиётида шундай оксоқликлар юз берди. О'zLiDeR депутатлик гуруҳининг ҳам жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва долзарб масалаларни туман кенгаши сессияларига киритиш, айниқса, тадбир-



«ВАТАН АЗИЗ, ЖАСОРАТ МАНГУ» ТАНЛОВИГА

## Армиямиз таянчи ва суянчи

ВАТАН БЕЖИЗ ОНАГА КИЁСЛАНМАЙДИ. ШУНДАНМИ, ВАТАННИ ХИМОЯ ҚИЛИШ, УНИНГ САРҲАДЛАРИ ДАХЛСИЗЛИГИНИ АСРАШ — МИЛЛАТИМИЗНИНГ ОРНОМУСИГА АЙЛАНГАН ШАРАФЛИ БУРЧ САНАЛАДИ

Абулфайз САИИДАСҚАРОВ,  
«XXI ASR»

Юртбошимиз раҳнамолигида мамлакатимиз мустақиллигини сақлаш ва халқимиз тинчлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган миллий армиямиз сафларида жасур ўғлонларимиз ана шу бурчни шараф билан адо этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида олиб борилган ислохотлар жараёнида харбий округларда Сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилган ҳам шартнома асосида хизмат қилиш тизимининг тубдан ўзгариши ва профессионал армияни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ушбу мактабларда махсус тайёрликни ўтаб, етарли билим ва малакага эга кичик командирлар армиямиз таянчи, аскарларнинг моҳир устози, офицерларнинг эса энг яқин ёрдончиларига айланаётир. Хозирда миллий армиямиздаги сержантлар тарбиянинг аксарияти ушбу мактабларнинг битирувчиларидан иборат экани эса сарҳадларимиз ишончли қўлларда эканидан далолатдир. Ўзбекистоннинг харбий ислохотлар соҳасидаги ушбу тажрибаси бир қанча давлатлар диққатини жалб этгани ва уларда ҳам худди шундай мактаблар жорий этилаётгани эътиборга моликдир.

Айтиш жоизки, харбий хизматчилар, хусусан, сержантлар таркиби учун қонунчилигимизда қатор имтиёзлар мавжуд. Энг аввало, сержантлар тайёрлаш мактабини аъло баҳога тугатган битирувчиларга диплом ва рағбатлантирувчи пул мукофоти берилади. Иш фаолияти давомида самарали натижаларга эришган, «Энг илғор сержант» танловида голиб чиққан ёш мутахассислар олий харбий таълим муассасаларига имтихонсиз қабул қилинади.

Ана шундай имконият ва имтиёзларга эга юртдошимиз Полвон Жалилов 2002 йилда сержантлар тайёрлаш мактабида таҳсил олган. Айни пайтда харбий қисмда секция-командири лавозимида хизмат қилмоқда. Асли Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилиб ўсган Полвон ўзлигиданоқ спортга меҳр қўйди. Улғайгач, инженер-техниклик касбини эгаллади. Она-юрт рағнақи учун ўз хиссасини қўйиш мақсадида харбий хизматчи бўлишга қарор қилди.

— Сержант Полвон Жалилов харбий қисм шахсий таркиби орасида ўз ўрни ва обрўсига эга, — дейди қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Шерзод Бахронов. — У зиммасидаги вазифа ва топшириқларни ўз вақтида, аъло даражада бажаришга интилади. Спорт унинг доимий ҳамроҳи. Волейбол бўйича харбий қисм

терма жамоаси етакчи, стол тенниси ва бадминтон бўйича ўтказилган мусобақаларда мунтазам фахрли ўринларни эгаллаб келади. Сержант Полвон Жалиловнинг мамлакатимиз мудофааси учун қўшаётган хиссаси, кўп йиллик намунали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланди. Мустақиллик байрами арафасида у «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

— Ушбу мукофотни олаётганимда шундай юртда яшаётганимдан фахрланиб кетдим, — дейди қаҳрамонимиз. — Менинг арзимас хизматларим бу қадар юксак баҳолангани харбий хизматчиларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ифодасидир. Қолаверса, бу мукофот нафақат менга, балки бутун жамоамиз, харбий қисмимиз учун берилган, деб ҳисоблайман.

Сержант Полвон Жалилов оилавий ҳаётда ҳам бахтини топган харбийлардан. Айни пайтда рафиқаси, тиббиёт хамшираси Жамила Тўхтаева билан 3 ўғилни тарбиялаб, вояга етказишга япти. Оиладаги муҳит боисми ёки дадасининг медали олгани туртки бўлди, кенжалари Жаҳонгир ҳам харбий бўлишни орзу қилиб қолди. От ўрнини той босар, деганларидек, вақти келиб у отаси каби Ватан хизматида бўлиш шарафига эришса ажаб эмас...

## Чарм-пойабзал саноати истиқболлари

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ «ЎЗБЕКЧАРМПОЙАБЗАЛИ» ТЕРИ ВА ПОЙАБЗАЛ КОРХОНАЛАРИ УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА МАМЛАКАТИМИЗ ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ ТАРМОГИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУХБАТИНИ ЎТКАЗДИ

М. МАМЕТОВА,  
ЎзА муҳбири

Тадбирда чарм-пойабзал саноати корхоналари раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт, Молия, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазириликлари, Савдо-саноат палатаси, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк ва бошқа идоралар вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз чарм-пойабзал саноатининг истиқболи катта. Тери ошлаш технологияларини такомиллаштириш ва Президентимиз Ислам Каримовнинг 2008 йил 21 апрелда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи деҳқон ва фермер хўжалиқ-

ларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида кун сайин кўпаяётган мавжуд хомашё базаси ушбу тармоқни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

«Ўзбекчармпойабзали» тери ва пойабзал корхоналари уюшмаси раиси Исқандар Отахонов ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2007 йилда қабул қилинган 2007-2011 йилларда чарм-пойабзал саноати корхоналарини янада ривожлантириш ва модернизациялаш, тайёр маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш ҳажмининг ошириш, тармок дастурининг муваф-

фақиятли амалга оширилиши салмоқли натижалар бераётганини таъкидлади. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, уюшма таркибида кирувчи корхоналарда модернизациялаш, техник ва технология қайта жиҳозлаш ишлари бажарилди.

Мамлакатимиз чарм-пойабзал тармоғи корхоналарида амалга оширилган чора-тадбирлар самарасида кунга 12 миллиард сўмлик 10 миллион жуфтдан ортқ юқори сифатли пойабзал, замонавий чарм кийим-кечаклар ва тери-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришмоқда. Айни дамда маҳсулотларнинг экспорт ҳажми ҳам изчил ўсмоқда. Тадбирда қайд этилганидек, тармокдаги бундай юқори кўрсаткичларга малакали меҳнат ресурслари,

ривожланган коммуникациялар, банк ва юридик хизмат тармоқлари, энергия ресурсларининг нисбатан арзонлиги, технологияларни доимо такомиллаштириш, ички ва ташқи бозорда маҳсулотга бўлган талаб мавжудлиги туфайли эришилди.

Давра суҳбати қатнашчилари мамлакатимизда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ҳалақит бераётган тўсиқ ва чекловларни таҳлил қилди, Ўзбекистон чарм саноатини янада ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш учун хусусий сектор ва мазкур соҳа билан шуғулланувчи давлат органларининг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш йўлларини муҳокама қилдилар.

### КЕЛГУСИ СОНЛАРДА

Агар «Агробанк»нинг Сирдарё вилоят бошқармаси 2011 йилнинг ўн бир ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 20 млрд. сўм миқдорда кредит ажратган бўлса, Хоразм вилояти бошқармаси томонидан бу кўрсаткич 27 млрд. сўмга етказилди.


Хўжалик тадбиркор ва ишбилармонлар!

**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**

нодавлат ношикорат ташкилоти хусусий бизнесини йўлга қўйиш, иш фаолиятини янада турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фавқийтаъдидда бирор муаммо юзга келса, сизга иккилашмай бизга мурожаат этинг!

Манзили: Мирзо Улughбек тумани, Қорасуёв Б. даҳаси 19-Ғ. йў.  
Телефон: (8771) 265 80 48; 265 73 17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru



# «ШҮРТАННЕФТГАЗ»

УНИТАР ШҮЪБА  
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*барга юрпдошларимизни*

*Янги йил айёми*

*билан муборакбод эшади.*

*«Мустаҳкам оила йили» да*

*олдимизга кўйган*

*эзгу мақсадларимиз*

*ва юксак мафраларга*

*етишимда кўй-қувват,*


*қатъий ишонч пилаймиз.*

*Озод ва обод юртимизни*

*пинълик-хошираҳамлик ҳеҷ қалон парк эшмасин!*

*Янги йилда  
Барча эзгу ниятлар ҳамроҳингиз бўлсин!  
Юртимиз тинч, хонадонингиз обод,  
оилангиз мустаҳкам бўлсин!*

*Янги йил арафасида  
Сиз азизларга янги  
“АЗИЗ ОИЛАМ” ва “ОМАД”  
омонатларини  
таклиф этамиз.*



**ALOQABANK**  
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

**2012**  
Хизматлар лицензияланган

## «ОХАЛИК-ЛОМАНН-ПАРРАНДА»

Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси

азиз юртдошларимизни  
кириб келаётган  
Янги йил байрами  
билан табриклайди.  
2012 йил оилангизга  
тинчлик-осойишталик,  
соғлиқ-омонлик ва  
бахт-саодат олиб келсин!



## «КАПИТАЛБАНК»НИНГ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини Янги йил байрами билан табриклайди  
ва ўзининг эзгу тилаklarини изҳор қилади:  
Келаётган йил ҳар биримиз учун яхши,  
қут-баракали йил бўлсин!  
Сизларга узок умр, соғлиқ-саломатлик тилаб,  
бу йил эриша олмаган ниятларингизга  
кейинги йилда албатта эришишингизга тилақдошмиз.

## «АСАКАБАНК»



ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ  
САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини  
«МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ»  
деб эълон қилинган  
2012 йил билан чин дилдан  
муборакбод этади.  
Янги йилда ҳам  
фарзандларимиз  
бахту камолини,  
иқболини кўриш  
ҳаммамизга насиб этсин!



# СЎНГГИ САҲИФА

web sayti: www.21asr.uz



## БИР КУНДА 1,4 МИЛЛИОН ЙЎЛОВЧИ

АЙНИ ВАКТДА ПОЙТАХТИМИЗДА «ТОШШАХАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ТАРКИБИГА КИРУВЧИ 10 ТА АВТОБУС КОРХОНАСИ, 2 ТА ТРАМВАЙ ДЕПОСИ, 9 ТА ТАКСОМОТОР ПАРКИ ҲАМДА МЕТРОПОЛИТЕН ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ВА МЕХМОНЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТМОҚДА

Шухрат ХЎЖАЕВ,  
«XXI ASR»

— Маазкур корхоналар томонидан белгиланган йўналишларга чиқариладиган 1691 та автобус, 119 та трамвай, 255 та енгил такси, шунингдек, метрополитеннинг 4 та вагонли 39 та поездеи ҳар куни 1,4 миллиондан ортиқ йўловчи узоғини яқин қилмоқда, — дей-

ди уюшма раиси ўринбосари Зайниддин Аброров. Аҳамиятлиси, бу жараёнда пойтахтимиз кўчалари бўйлаб ҳаракатланаётган «Мерседес-Бенц» русумли автобусларнинг техник ҳолатини яхшилаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, германиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ташкил этилган «Мерседес-Бенц» сервис хизмати

кўрсатиш маркази (СХКМ) ташаббуси билан кейинги уч йилда 400 минг еврога тенг маблағ эвазига 230 турдаги махсус ускуна ва эҳтиёт қисмлар олиб келинди. Шунингдек, автобус саройлари ҳудудларида жойлашган 3 та СХКМ шўъба корхоналари томонидан 2011 йилнинг 11 ойи давомида автобусларга 4100 та сервис хизмати кўрсатилди.

## САЙЁҲЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ СОНИ 786 ТАГА ЕТДИ



Самарқанд, иккитаси Фарғона ва биттаси Андижон вилоят бўлимларида рўйхатдан ўтказилган. Шу тариқа республикада сайёҳларга хизмат кўрсатадиган ташкилотлар сони 786 тага етди.

Янги йил арафасида «Ўзбекитуризм» миллий компанияси томонидан яна 14 та сайёҳлик корхонасига мамлакатимизда туризм соҳасида фаолият кўрсатишга рухсат берувчи лицензиялар тақдим этилди. Маълумотларга кўра, туризм бозорига қабул қилинган янги субъектларнинг 7 таси меҳмонхона йўналишида, қолган 7 таси эса турагентлик ва туроператорлик фаолияти билан шуғуллана бошлайди. Маазкур корхоналарнинг еттитаси миллий компаниянинг Тошкент шаҳар, тўрттаси Самарқанд, иккитаси Фарғона ва биттаси Андижон вилоят бўлимларида рўйхатдан ўтказилган.

## СОТИЛМАЙДИ ҲАМ, ОТИЛМАЙДИ ҲАМ

Сир эмаски, ҳар йили Янги йил арафасида пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар кўпаяди. Шу боис республикада божначилари тезкор чора-тадбирлар олиб бориб, мамлакатимизга бундай воситалар кириб келишининг олдини олмақдалар. Натижада жорий йилнинг декабрь ойига қадар 45 та пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилиши билан боғлиқ қонунбузарликлар аниқланиб, 37 миң дона зарарли маҳсулот йўқ қилинди.

Хусусан, Қарши шаҳрида ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Х. Мирзаевнинг 240 кг. микдордаги пиротехника анжомларини яширинча олиб киришга урингани фош бўлди. Сурхондарёда қўшни давлат фуқароси М. Ёрбеков томонидан олиб ўтилаётган 120 дона «ёнувчи ўйинчоқ» мусодара қилинди. Бишкекдан учиб келган В. Соҳибназаров ҳам «Тошкент-Аэро» ихтисослаштирилган божхона комплекси ходимлари қаршисида ер чизиб қолди. Унга тегишли юклар орасидан 25 дона тақиқланган маҳсулот топилди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.



## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ «МЕХМАШ»


ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни  
кириб келаётган Янги йил  
байрами билан чин  
қалбдан табриқлайди.

Сизларга узоқ умр,  
сиҳат-саломатлик,  
оилаларингизга

тинчлик-хотиржамлик тилайди.

2012 йил — «Мустақкам оила йили»  
ҳаммамизга муборак бўлсин!



реклама ▼

# Називин®

БУРУН ВА БУРУНЧАЛАР УЧУН

NYCOMED

ОКСИМЕТАЗОЛИН

- Катталар ва болалар учун ҳаётнинг биринчи кунлариданоқ қўллаш мумкин бўлган тумовга қарши препарат
- 12 соатгача таъсир кўрсатади
- Германияда ишлаб чиқарилади

Қўллаш учун кўрсатмалар

- Тумов билан Сизга кечадиган ушбу респиратор касалликларни даволаш;
- Аллергия ринит;
- Вазомотор ринит;
- Бурун бўшлигининг турли қисмлари ялғизликда дренажни тўшлаш учун, есоахит, урта оғитида;
- Бурун бўшлигини диагностика ўташдан аввал ишони баргадир яши учун.

Рўқбат олинган ҳароратда қўлланма 03042 400432, 5-280-80 400198

Шифоқор референтиз берилмади

Товар намуналарини таъин. Ушбуни билан танничи.

Қўллаш учун бўшани адолатла маъруз.

Препаратни қабул қилишдан аввал шифоқор билан масоҳатланган.

Мерк КГА Германия д/л Никомед

Називин қадоғининг янги дизайни

**ASR**

ЎЗБОК

ЎТТМОЙ-СИЙОСИ ГАЗЕТА

TADBIRKORLAR VA ISHILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадсўф ТЕШАЕВ, Абдурашид ЖУРАБОВ, Алишер ШАЙХОВ, Баттир ЯКУБОВ, Баҳодир ГАНЕВ, Зейдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илхам НАСРИЕВ, Муҳлис АҚРАМОВА, Раъшан ОХУНОВ, Шухрат НОҲИТОВ, Шухрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ

ТАХРИРИЯТ: Озод РАҲАБОВ, Марк ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳнод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоғир МИРХОДИЕВ, Ноир ТОШЕВ, Шухрат ОХУНЖОНОВ

БОШ МУҲАРРИР: Мироди Абдураҳмонов МАТН ТЕРҲУВИ: Раъно АБДУАЛИМОВА

БЎЛИМЛАР: Қопиёт — 281-40-17 (тел./факс), Партия туруши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Қичиқ Бизнес ва аусурий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 275-60-45, 255-68-50, Кабулхона: 275-63-60 (тел./факс).

ТАХРИРИЯТ МАНВИЛИ: Тошкент, Нўкус кўчаси, 73А-уй ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI\_ASR@yahoo.com, XXI\_ASR@mail.ru

© XXI ASRдан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нухтани назардан фарқ қилиши мумкин.

«Ўзбекистон» НММУ боғлиқлигида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Миллий ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақими билан қайта рўйхатдан ўтган.

Буғурма рақами: J 3495, Тираж: 9 158

Баҳоси келишилган нархда.

Тошхирлиди — 2010

ISSN 2181-412X

7 7 2 1 8 1 4 7 0 0 4

Навиқчилар: О.РАҲАБОВ, П.ХУҲАЕВ.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406